

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 201 (10.506) 2005 ЙИЛ 11 ОКТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари ва меҳмонларини чин дилдан қутлайман.

Бугун очилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар самараси бўлиб, мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридagi энг етакчи иштирокчилардан бири сифатида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Пахта тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толаси сифатини анча оширишимизга имкон берди. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификация қилишнинг янги тизими жорий этилди. Барча хизмат турларига эга бўлган ҳамда махсулотни сифатли сақлаш ва ортб жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар тармоғи тарзидаги пахта сотишнинг замонавий инфратузилмаси яратилди.

Шуни қайд этиш муҳимки, биз катта ресурсларга эга бўлган ҳолда, пахта ни чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бир қаторда чет элларда пахта толасини сотишнинг самарали шакл ва усулларини такомиллаштиришга, махсулот экспорт қилиш географиясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кейинги йилларда Осиёнинг Хитой, Хиндистон, Корея Республикаси ва бошқа мутасил ривожланиб бораётган давлатлари тўқимачилик корхоналарининг юқори сифатли ўзбек пахта толасига бўлган эътиёжи тўхтовсиз охиб бораётганлиги ва экспорт ҳажмлари барқарор ўсаётганлиги эътибор молиқдир.

Биз пахта экспорти соҳасида шерикларимиз билан нафақат жорий йил, балки кейинги йиллар ҳосили учун ҳам контрактлар тузишга асосланган ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга интилишимиз ва бунга тайёрлигимизни таъкидлаб ўтиш лозим.

Жаҳондаги барча етакчи пахта трейдерлари Тошкентда ўтказилаётган Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш ҳақидаги таклифни қабул қилганилари диққатга сазовордир. Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига омад ва ишларига самара тилайман.

Ислom КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПАХТА САВДОСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

10 октябрда Тошкентда очилган Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида 26 мамлакатдан келган 200 дан ортиқ компания ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ва ушбу соҳада энг нуфузли нашрлардан бири "Cotton Outlook" журнали билан биргаликда ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табригини Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Р.Азимов ўқиб ашиттирди.

Ўзбекистон пахта толасини етиштириш бўйича йирк давлатлардан бири ҳисобланади ва юқори сифати туфайли бу пахта жаҳон бозорида харидорлиғига билан ажрალიб туради, деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ярмаркани

очар экан. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодий, жумладан қишлоқ хўжалиғи тармоғида туб бозор ислохотлари амалга оширила бошланди. Президент Ислom Каримов иқтисодий тизимнинг асосий соҳаларидан бири бўлган пахтачиликдаги изчил таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу республика-мизда етиштирилаётган пахта толасининг сифатини ва демакки давлатимиз экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини берди. Биринчи

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ушбу салоҳиятини янада ривожлантириш, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали пахта-миз етакчи бериладиган мамлакатлар сонини кўпайтириш, шунингдек, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида нуфузи ва рақобатбардошлиғини янада оширишга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Вакиллар палатасига сайловда Япония Либерал-демократик партияси галаба қозониши ҳамда менинг Япония Бош вазири лавозимига қайта сайланишим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари йўлаган самимий табрикни беҳад миннатдорлик билан қабул қилганимни маълум қилиш шарафидан бахтиёрман.

Ўзбекистон билан Япониянинг икки томонлама дўстона алоқлари янада мустаҳкамлашиб бораверишини чин дилдан истайман. Шу билан бирга, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоллиғига қабул қилиниши масаласида қатъият билан қўллаб-қувватлаб келётгани учун улкан миннатдорлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сийҳат-саломатлик ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

Жанъитиро КОИДЗУМИ,
Япония Бош вазири

10 октябр кун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бошланди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Султонов ҳамда Россия Федерациясининг Саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Б.Алёшин бошқарган мажлисда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бу борада икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Санкт-Петербург шаҳридаги учрашуви натижалари муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос бўлиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Бунда 2004 йилнинг июнь ойида Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислom Каримов ва Владимир Путин имзолаган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим ўрин тутди: Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш, келгусида йирк режаларни белгилашда эса Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолиятининг аҳамияти айниқса муҳим. Ислom Каримов ва Владимир Путиннинг 2003 йил августда Самарқандда ўтган учрашувида комиссияга савдо-иқтисодий муносабатлар ҳолатини бугунги шароит нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Ўтган давр мобайнида савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Давоми 2-бетда.

XVI савдоси

Барча малбалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

• Қашқадарё вилоят миришкорлари катта меҳнат галабасига эришди. Улар қабул пунктларига 426 минг тоннадан ортиқ хомашё етказиб бериб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини 25 иш кунида бажардилар. Барча ҳосил биринчи нав сифатида қабул қилинди.

• Поп тумани пахтакорлари Наманган вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Умумий хирмонга 36 минг 600 тонна қимматли хомашё етказиб берилди.

• Наманганда қишлоқ врачлик пунктлари мутахассисларининг билимини ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида хотин-қизларга маслаҳат бериш ва касалликларнинг олдини олиш асосларига бағишланган амалий семинарлар бўлиб ўтди.

• Термиз археология музейи интернетда ўз сайтини очди. Унга ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида маълумотлар киритилган. Ҳозирги пайтда бу сайтдан дунёнинг 56 мамлакатидан фойдаланишмоқда.

Жаҳонда

• Жанубий Осиё мамлакатларида табиий офат рўй берди. Покистон шимолда 7,6 балли zilzila содир бўлиши натижасида 20 минг киши ҳаётдан кўз юмди, 60 миңдан зиёд одам жароҳатланди. zilzila Хиндистон, Афғонистон, Тожикистон ва Бангладешда ҳам қайд этилди.

• Марказий Америкада "Стэн" тўфони хуружи оқибатида камида 450 киши ҳаётдан кўз юмди, 100га яқин одам бедарак йўқолди. Тўфондан айниқса Гватемала ва Мексика катта зарар кўрди.

• Италия Бош вазири Сильвио Берлусконининг катта қизи — 39 ёшли Марина Берлусконни ушбу оилга тегишли, ўз ичига телеканаллар, радиостанциялар, ноширлик бизнеси ва "Милан" футбол клубини олвчи Fininvest холдингини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.

• "Форбс" журнали аёнада кўра йилнинг энг қимматбаҳо автомобиллари рўйхатини эълон қилди. Бунда 575 от кучига эга бўлган Американин Saleen S7 TwinTurbo автомобили 560 минг долларга баҳолангани ҳолда 2005 йилнинг энг қимматбаҳо автоулови деб топилди.

Давоми. Боши 1-бетда.

Бунинг амалий натижалари рақамларда яққол намоён бўлади: 2005 йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларининг жаҳондаги 19 фоизи, МДХ миқёсида эса ярмидан кўпроги Россия хиссасига тўғри келмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошаиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 38,4 фоиз ўсиб 1 миллиард 337 миллион доллардан кўпдир.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларида ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Россия сармояси иштирокида тузилган 400дан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озик-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик sanoatida, халқ ҳўжалигининг кўплаб бошқа муҳим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётди. Ўзбекистоннинг вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ва

колатхона очган.

Ўзбекистоннинг Россиядан импортини асосан механик жиҳозлар, металл, электротехника, транспорт воситалари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, дори-дармон сингари товарлар ташкил этди. Уз навбатидда, мамлакатимиз Россия бозорига транспорт воситалари, пахта толаси, газлама, нефть-газ,

ҳўлатини таҳлил қилиб, истиқболда уни янада тараққий эттириш, ёқилғи-энергетика мажмуи, самолётсозлик, транспорт ва коммуникация, энергетика, банк соҳаси ва иқтисодийнинг бошқа қатор йўналишлардаги алоқаларини янги босқичга кўтаришга келишиб олдилар. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш учун шарт-шароитни янада такомиллаштириш, Чирчиқ авиаремонт заводи негизда «УзРосАвиа» қўшма корхонасини тузиш, Ўзбекистон пахта толасининг тўғридан-тўғри етказилишини таъминлаш мақсадида Россияда консигнацион омборлар ташкил қилиш, пахта толаси ва қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари учун қўйилмаётган тариф ставкаларини камайтириш, қишлоқ ва сув

ҲУКУМАТЛАРАО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари каби кўплаб турдаги товарларни етказиб беришмоқда.

Ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон — Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг етакчи бўлиларидандир. Айни пайтда «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» очик акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон нефть-газ sanoatiga 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутди.

Ҳукуматларарао қўшма комиссия мажлисида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги

ҳўжалиғи соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, жумладан, Қарши ва Аму-Бухоро магистрал каналларини реконструкция ва модернизация қилиш, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари учун тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматларарао комиссиясининг мажлиси 11 октябрь куні ўз ишнин яқунлигиди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбири**

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПАХТА САВДОСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон дунёда пахта етиштириладиган энг шимолий ҳудуд ҳўжалиғида қарамай, кейинги уч йил давомида ўзбек толаси жаҳон бозорига энг сифатлиги ҳамда харидорлиғи билан шуҳрат қозонмоқда. Бозор ислохотлари шароитида пахта етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув ҳам ўзгарди. Фермер ҳўжалиқларининг ривожланиши қишлоқ меҳнаткашлари манфаатдорлигини ҳам оширмоқда. 2007 йилга келиб фермер ҳўжалиқлари улуси пахта-иқтисодида 85 фоизга етиши керак. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш заводлари қайта жиҳозланмоқда ва энг илғор технологиялар асосида янгилари барпо этилмоқда. 2005 йил мавсуми олдида 17 та пахта заводи модернизация қилинди. 2006-2010 йилларда яна 40 та корхонани реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу эса тола қишлоқ ишчи ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради. Чет элик харидорларга пахта етказиб бериш, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий филиаллари билан тола сотиб олиш, сертифициция, сақлаш, суғурталаш ва экспорт ҳажмларини транспортда ташвиш тизими такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун жойларда пахта терминаторлари ташкил қилинди, жаҳон амалиётида қабул қилинган ҳисобкитоб шакл ва тизимлари жорий этилди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо компанияларига, замонавий ва самарали савдо услубларини қўлланган ҳолда ҳамда жаҳон нархларидан келиб чиқиб, ўз маркетинг стратегиясини мустақил белгилаш ва пахта толасини сотиш ҳўкуқи берилди. Буларнинг барчаси республикамизда етиштирилаётган барча тола assortиментини экспорт қилиш билан бирга, унинг халқаро бозордаги нариқи юрчи бўлишини таъминлаш, уни сотиш географиясини кенгайтиришга ёрдам беради. Бугун ўзбек пахтаси Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Корея Республикаси, Вьетнам ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Глобал иқтисодий тизимдаги тарихий ўзгаришлар жаҳон пахта sanoatini ҳам четлаб ўтмади. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида жадал ривожланаётган тўқимачилик sanoati юқори сифатли ҳомашёга муҳтоқ. Шу сабабли уларнинг ўзбек пахтасини сотиб

олишдан манфаатдорлиғи ортмоқда. Шунинг учун янги транспорт йўлақларини барпо этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда трансэрон ва транситой йўлақлари яратилмоқда. Бу йўлақларнинг ҳар биридан фойдаланиш мақсулоти ташвиш ҳаракатларини 20 фоизгача камайтириш имконини беради. Айни пайтда Шимол-Ғарбий йўналиши - Россия станциялари ва Болтиқбўйи бандарҳўжларидан фойдаланиш давом этиди.

Бирок, Ўзбекистон иқтисодиёти-

яққол далилидир. У тола сифатини янада оширишгагина эмас, балки бутун пахта бизнесини ривожлантиришга ёрдам беради. Корпоратив сўғити йилларда тузилган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистондан 1 миллион тоннадан ортиқ тола сотиб олди.

Ярмарка дастури жуда бой. Ўзбек пахтасининг ҳорижий истеъмолчилари билан республикамиз пахта sanoati вақилларининг кўлаб урчушувлари бўлиб ўтмоқда, бундай тадбирларда ҳамкорликнинг мақбул шартлари муҳокама этилмоқда. Ярмаркада улар учун ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари ва пахтани етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўғити янгилиқлар билан танишиш имконияти яратилган. «Ўзэкспомарказ» да очилган селекция навлари кўрсатмасида ярмарка қатнашчилари 2005 йил ҳрсили намуналари билан танишиши мумкин. Музокара-ла шартномаларига кўра, 2005 йил ҳрсили учун шартномалар ва узоқ муддатли бун-тимлар тузилди.

Ярмарка давомида биз унинг бир неча қатнашчилари билан суҳбатлашдик.

«Cotton Outlook» халқаро наشري бош муҳаррири Рей Батлер:

— Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ҳақида жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишда иштирок этиш тақдифидан ҳурсандим. Бу ерда кўпгина мамлакатлардан энг йилрик пахта истеъмолчилари вақиллари тўпланган Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига давқи юксалиб бораётгани ва унинг иқтисодий салоҳияти ўсаётганидан дарак беради. Мен мамлакатингизда биринчи марта 1992 йилда бўлган эдим. Бугун Ўзбекистон пахта экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланди. Мазкур ярмарка республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, янги алоқаларни йўлга қўйиш, янги битимлар тузиш имконини беради. Ўзбекистонда замонавий бозор инфратузилмаси яратилган - ҳомашё ва товар биржалари фаолият кўрсат-

моқда, бозорни зарур ахборот билан таъминлаш учун илғор телекоммуникация технологиялари қўлланмоқда. Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоригаги нуфузини янада ошириш учун мамлакатингизда катта имкониятлар бор. Бундай юксак даражадаги пахта ярмаркасининг ташкил этилиши — бу соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши асосдир. Бу воқеа «Cotton Outlook» журналида кенг ёритилди. У бутун дунё бўйлаб тарқатилгани боис, ўзбек пахтасининг имкониятлари билан янада кўпроқ харидорлар танишди.

Хитойнинг «НунКэнь» импорт-экспорт корпорацияси бош директори Лян Вэнь Ин:

— Биз Ўзбекистондан 5 йилдан бери пахта толаси сотиб оламиз. Йилдан-йилга харид ҳажми ортмоқда. Хитойдаги энг катта трейдер сифатида ўзбек пахтасини мамлакатимиздаги кўлаб ишлаб чиқарувчиларга етказиб берамиз. Улар орасида компаниямиз корхоналари ҳам бор. Бу гагги ярмаркада 100 минг тонна толага шартнома тузишни нўлжаллашмиз. Келгусида ҳам ҳамкорлик қилишдан умидворимиз. Чунки ўзбек пахтаси юқори сифати билан ақралиб туришидан ташқари, мамлакатингизда импорт қилувчилар учун қўлай шароит яратилган. Ўзбекистон иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ишончли ҳамкордир.

Ҳиндистоннинг «Нахар экспорт лимитед» компанияси бош директори Гуршаран Дьяман:

— Компаниямиз энгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Тайёр тола истеъмоли 100 минг тоннани ташкил этади. Биз илгари ҳам юқори сифати билан ақралиб турадиган ўзбек пахтасидан фойдаланар эдик, аммо шу пайтгача уни «учинчи қўл»дан, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Ярмаркада қатнашиб Ўзбекистондаги пахта етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, компаниямизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

**А.ИВАНОВА,
Ё.САЙДУЛЛАЕВ,
О.НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари
СУРАТЛАРДА: пахта
ярмаркасидан лавҳалар.
Мухаммад Амин (ЎЗА)
олган суратлар**



Пойтахтимизда «Икки палатали парламент фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши: халқаро тажриба ва ҳамкорлик амалиёти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

ПАРЛАМЕНТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, оммавий ахборот воситалари, тегишли олий ўқув юртлири, дипломатик корпус, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вақиллари, маҳаллий мутахассислар ҳамда халқаро экспертлар қатнашди. Тадбирни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов очди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари парламент фаолиятини ёритишда амалдаги қонун ҳўжатларида қафолатланган ҳўқуқ ва эркинликларга, демократик тараққиёт талабларига таяниб иш кўради. Зеро, мустақилликнинг дастлабки давриданоқ демократик ҳўқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида белгилаб олган устувор мақсад ва йўналишларимиз ижобати шунини тақозо этади.

Жорий йилдан эътиборан юртимизда икки палатали парламент иш бошлагани парламент палаталари, депутатлар ва сенаторлар билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришни кўн тартибига қўйди. Бугун, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва гўяларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, демократияни қўрқаштириш ва ақдорнинг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кўчайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов, «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада қўрқаштириш» лойиҳаси раҳбари А.Мантелис (Греция) сўз олиб, парламент ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг долзарб масалаларини атрофлича таҳлил қилди.

Халқаро эксперт, Греция телерадиозаштиришлар кенгаши вице-президенти Д.Харалампис, «Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш институти» журналистлар ассоциацияси раиси М.Мақсудова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Р.Охунов, Корнард Аденауэр жағмар маслиҳатининг (Германия) Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Кавказ мамлакатлари бўйича минтақавий вақили Х.Кайзер, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фирмининг ўрганш маркази директори ўринбосари М.Ҳожимухамедовнинг маърузалари ҳам тингланди.

Парламент, депутат ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кенгайтириш муаммолари, депутатлар корпусини янги ёритишда журналистлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги миллий қонун ҳўжатларини такомиллаштириш истиқболлари, шунингдек, қонун чиқарувчи ҳўқимият фаолиятининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши борасидаги ҳорижий тажрибаининг ибратли жиҳатлари очиб берилди.

Парламент фаолиятининг қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилиш, қабул қилиш ва қонунлар ижроси бўйича парламент назоратини амалга ошириш жараёнилардан кенг жамоатчилигини тазкор, ҳолис ва тўғри хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда масъулиятига доир масалалар озабидан қизиқарли баҳр-мунозаралар бўлиб ўтди.

Конференцияда иштирокчилар томонидан таҳлил этилган мавзу бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган амалий семинарнинг навбатдаги босқичи бошланди.

Уни мазкур академия ректори К.Назаров очиб, Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги макени юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратилаётгани, юртимизда кечаётган ислохотларнинг ҳозирги масъулиятли босқичида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти катта эканини қайд этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май куни қабул

қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Хўжжатга мувофиқ, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, аёллар манфаатини ҳимоялаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш каби масалаларга катта аҳамият қаратиляпти. Турли вазирлик ва идоралар, му-

ассасалар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Мазкур академиянинг Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган амалий семинари бунинг яна бир исботидир.

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидаги туманлар ва шаҳарлар хотин-қизлар кўмиталари раҳбарлари учун ташкил этилган бу галги ўқув курси бахс-мунозара тарзида ўтказилаётгани аҳамиятлидир. Машғулотларда бугунги ислохотлар жараёни, давлатимизнинг хотин-қизлар масалаларига доир устувор сиёсати, аёлларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга оид маърузалар тингланади.

Беш кунлик семинар давомида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раҳбарларининг фаолияти атрофида таҳлил этилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Кўмита раиси Б.Парвиев бошқарган йиғилишда солиқ идораларининг 2005 йил тўққиз ойи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, жорий йилнинг тўртинчи чоригида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил июнь-август ойларида қабул қилинган тadbиркорлик ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида солиқ органлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи учун белгиланган прогноз кўрсаткичлари тўла бажарилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада кўчартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кўмита томонидан ишлаб чиқилган тadbирлар режасига мувофиқ солиқ тизими фаолиятини янгилаш ташкил этиш, солиқ тўловчларига мазкур ҳужжатларнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини кенгроқ тўшунтириш ишларини изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга маблағлар тўлаш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, ортқича тўловлар миқдорини кескин камайтириш, нақд пул тушумини кўпайтириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кўчартириш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Жойларда бу борада йўл қўйилган камчиликлар аниқ миқдорлар асосида кескин танқид қилиниб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тушуми режаси республика бўйича белгиланган миқдорда бажарилган бўлишига қарамай, айрим вилоятлар ва туманлар солиқ органлари бу кўрсаткичларни айрим солиқ ва тўловлар турлари бўйича тўла улдалай олмади. Баъзи ҳудудларда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти ва банкларга нақд пул тушуми устидан солиқ органлари томонидан қонун доирасидаги назорат ишлари етарли даражада олиб борилмаётгани қайд этилди.

Хусусан, бу борада амалга оширилаётган ишлар Андхон вилоятининг Андхон шаҳри, Жалолқудқ, Ҳўрқобод туманларида, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Музабод, Денув туманларида талаб даражасида эмаслиги алоҳида таъкидланди. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда суқсатилганка йўл қўйган шахсларга нисбатан илтизомий чоралар қўрилди.

Шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини кўчартиришга қаратилган ҳуқуқат қарорлари талабларининг бажарилишини таъминлаш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига маблағлар тўлаш, улгурчи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Келгусида бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва йилни муваффақиятли янқулаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ ОИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

КҮНИ

● **БУГУН** «Маънавият ва маърифат» маркази Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан Республика Давлат санитария эпидемиология назорати марказида бўлиб ўтган тadbир «Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодийёт университетида «Терроризм — тараққиёт кушандаси» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** ва Юнусобод туманлари маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокда давра сўхбати бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамда шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида Учтепа туманидаги «Оқтепа» ва «Қорёғди» маҳаллаларида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш» мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Туркистон» маҳалласида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган тadbир вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманидаги Йўлдош Охунбобоев маҳалласида Тошкент шаҳар нарқология диспансери билан ҳамкорликда ўтказилган тadbир «Гиёвандлик — аср вабоси» деб номланди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Бўз-8» маҳалласида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туманининг «Қорасарой», Беруний, «Гузарбоши», «Ёшлик» маҳаллалари ёшлари ўртасида спортнинг учқураш тури бўйича ўтказилган мусобақа «Ким эгичилу ким чаққон» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Абдурахмон Жомий маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, ИКА халқаро ташкилоти билан ҳамкорлигида тadbир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Қизги қақирик

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Мамлакат мудофааси ҳамма вақтларда ҳам эр йигитларнинг қўлларида бўлган. Зотан, дилбар қўшқларнинг бирида фахр билан қуйланганидек, «Мардлар қўриқлайди Ватани». Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни захирага бўшатиш ва қизги муддатли ҳарбий хизматга қақирик қарори барча қақирик ёшидаги ёшларимиз зиммасига юксак масъулият юқлайди.

Кунги кеча Тошкент вилоят қақирув пунктида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматга қақирилган бўлғуси аскарлар, уларнинг ота-оналари, қақирув комиссиясининг масъул аъзолари, оммавий ақборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишнинг тантанали қисмида сўзга чиққан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник З.Аҳмадхўжаев, қақирув бўлими бошлиғи, подполковник Б.Ибрагимовлар Юртбошимиз томонидан Қуролли Кучларимизга берилаётган эътибор замирида осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги сингари олижаноб ниятлар жамулжам эканлигига, бу ерда саф тортиб турган азамат йигитлар ана шу эзгу тилаклар ижобатини таъминлашдек масъулиятли вазифани зиммасига олаётганлиги барчада фахр, ифтихор туйғулари жўш уришига замин ҳозирлаши ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шундан сўн саф майдони узра Ўзбекистон Республикаси махфияси янгради. Халқимизнинг шонли ўтмиши, бугунги равнақи ҳусусида тотли ҳиссиётни ҳар бир қалбга ўзига хос тарзда муқрлагувчи махфия садолари бўлғуси аскарлар кўнглида Ватанга садоқат, унинг дахлсизлиги учун масъулият лозим эканлигига ундагандай бўлди.

— Бугун мен учун унутилмас кун бўлди, — дейди Ҳамза тумани Қурувчилар кўчасидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган Ботир Жожиев. — Ҳар-

бий бўлиш, юртимиз дахлсизлигига ўз ҳиссамни қўшишдек масъулиятли вазифага киришаётганимдан беҳад мамнунман. Ниятим — хизмат даврида намунали ҳуқлим, ҳарбий техниканинг сирасорларини ўрганишга бўлган иштиёқим билан командирларим ҳурматини қозониш ва юртимга содиқ ўғлон бўлишим.

— Ўғлимни ҳарбий хизматга жўнатаётганимдан қувончим чексиз, — дея сўхбатимизга қўшилиб бўлажақ аскарнинг онаси Аҳчагул Жожиева. — Худо хоҳласа фарзандини оиламизга хизматни бекаму қўст ўтаб, ёруғ ўз билан соғ-саломат кириб келади.

Маълумки, кейинги вақтларда профессионал армияни шакллантириш борасида кенг камровли ишлар олиб борилмоқда.

— Бугун ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз ҳар томонлама синовдан ўтган, ҳар-



бий ҳаётнинг оғир-енглигини зиммасига олишга тайёр, — дейди бу ҳақда Шайхонтоҳур туман мудофаа бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Тошморов. — Негаки, аскар ҳар томонлама ҳарбий хизматга тайёр бўлса, ундан келажақда мард, ботир Ватан посбони етишиб чиқишига шак-шубҳа йўқ.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.

Ҳамкорлик

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Жанубий Корей ва ўзбекистонлик рассомлар ижодий ишларининг кўргазмаси очилиши билан мамлакатимизда Корей Республикаси маданияти кунлари бошланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий-маърифий ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Корей маданияти кунларини ташкил этиш хайрли аниҳана тусига кирган. 1998 йилда асос солинган мазкур маданий тadbир бу йил саккизинчи бор ўтказилмоқда.

Маданият кунларининг дастури ранг-баранг бўлиб, унинг доирасидан бир неча маданий тadbирлар ўрин олган. Жумладан, бугун Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида соприно овозда ижро этувчи санъат усталари М.Раззоқова ва Ким Хи Чонг ҳамда тенорлар — Н.Султонов — Чол Джу Ёлар ижросида қўшма концерт дастури ижро этилаётган бўлса, бугундан Корей фильмлари фестивали ҳам бошланади. Кинофестиваль дастуридан Корей маданият марказининг очилиши, шунингдек етакчи корей режиссёрларининг ижод намуналари бўлиши «Августдаги рождество», «Мактуб», «Қадрон шаҳарда баҳор», «Бирлашган хавфсизлик ҳудуди» ҳамда «Уй томон йўл» каби кинотасмалар ўрин олган.

Корей маданияти кунлари 14 октябрда қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

ФИКРЛАР, ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Муқаддам РАСУЛОВА,
Собир Раҳимов туман
хокими ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси
раиси:

— “Тошкент оқшоми” энг сеvimли газетамиз ҳисобланади. Биз ҳар йили ушбу газетага обуна бўламиз. Газетада ҳар ойда бир марта чоп этиладиган “Ҳаёт боғининг гуллари” номли аёллар саҳифасини севиб мурола қиламиз. Шунингдек, газета саҳифаларида ҳар жума бериб бориладиган “Зийрак бобо шаҳар кезади” руқни остида чоп этилаётган мақолаларда шахримиз ҳаётига оид муаммо ва камчиликлар танқид тиги остига олиниши эътиборлидир. “Ҳаёт сабоқлари” руқни, “Оила даврасида” саҳифаларида берилаётган қизиқарли, муаммоли мақолаларни ҳам доимо ўқиб борамиз.

Мен “Тошкент оқшоми” газетаси ижодий ходимларининг ишларига ривож тилайман. Таклифим — келгусида аёлларимиз ҳаёти ва фаолиятлари, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратилса. Шунингдек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар газета саҳифалари орқали ўз тажрибалари билан таништириб борсалар деган ниятдаман.

Хайрулла МЎМИНОВ,
“Чигатой Оқтепа”
маҳалласи фуқаролар
ййғини раиси:

— “Тошкент оқшоми” газетаси саҳифаларида чоп этилаётган шахримиз сиёсий-ижтимоий ҳаётига доир мақолалар ҳар бир оқшомхонни беварқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Айниқса газетада ҳар ойда мунтазам бериб бориладиган “Маҳалланг — ота-онанг” саҳифасида шахримиз маҳаллаларининг бугунги кунини, ютуқ ва муаммоларини қамраган ҳолда фаолияти тўлиқ ёритиб борилишидан мамнунимиз. Шу боисдан “Оқшом” газеталарини маҳаллаларимизда ҳам қизиқиш ўқиб боришда ва бинобарин, ҳар йили обуна бўлишга интилишмоқда. Таклифим шуки, газета ҳозирда 8 саҳифада чоп этилаётган бўлса, унинг саҳифалари кўпайтирилса ва рангли ҳолда нашр этилса янада ўқимизи бўлар эди. Шу ўринда газета ижодий ходимларига ўзимизнинг миннатдорчилигини айтиб ўтмоқчиман ва келгуси ижодларида ютуқлар тилайман.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.
Кумуш қишдан, зумрад баҳордан,
Қолишмайди кузнинг зийнати.

Шоирнинг ушбу ҳароратли сатрларини шахримиз туманларига ҳам бемалол қиёслашимиз мумкин. “Унта бўлса ўрни бошқа” деганларидек ҳар бир туманнинг ўз йўналиши, ўз бетакор қиёфаси ва шахримиз ҳаётида тутган ўрни бор. Шу жиҳатдан олганда, пойтахтимизнинг энг қадимий ҳудудларидан бирида жойлашган Собир Раҳимов туманининг ҳам албатта ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Бинобарин, ушбу туманда шахримиздаги энг кўп ва обод маҳаллалар жойлашган десак адашмаймиз. Туман қиёфасининг яна бир томони — улкан илмий салоҳиятга эга эканлигидадир. Зеро, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Давлат техника университети каби нуфузли олий ўқув даргоҳлари ҳам шу туман ҳудудидан ўрин олган.

Бундан ташқари, туман ҳудудида жойлашган 11 та илмий-текшириш институтлари самарали фаолият юритиб келмоқда.

“Оникс”, “Компрессор”, “Тошкент агрегат заводи”, “Тошкентмебель”, “Тошкент чинни заводи”, “Шоштранс” каби йирик акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритиши эса туманнинг саноат зонаси ҳам эканлигидан далолат беради.

Собир Раҳимов туманида 288,5 минг аҳоли истиқомат қилиб, умумий майдони 3,45 минг гектардан иборат бўлган ҳолда шахримизнинг энг йирик туманлари қаторига киради.

Жорий йилнинг сўнгги олти ойи мобайнида туманда 23,4 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 10,7 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан анча юқори кўрсаткични ташкил этади. Туманда мебель жиҳозлари, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, транспорт ва алоқа хизмати йўлга қўйган 112 та қўшма корхоналар фаолият юритади. Шу ўринда корхоналарнинг экспорт салоҳиятига тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярмига назар ташлайдиган бўлсак, 4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот четга экспорт қилинди.

Туманда жорий йилда ўтган йилга нисбатан хусусий тадбиркорлар сони сезиларли даражада ошди. Рақамларга мувожабат қиладиган бўлсак, 2004 йилда 2431 та хусусий фирма тумандан рўйхатдан ўтган бўлса, жорий йилнинг сўнгги олти ойи ичида рўйхатдан ўтган хусусий фирмалар сони 2510 тани ташкил этди.

Шуни айтиш лозимки, Собир Раҳимов тумани мустақиллик

йилларида янада чирой очиб, яшариб-яшнаб бормоқда.

Бинобарин, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталиб ўтса арзийди. Айниқса туманнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилган қурилиш ишларини кўриб кишининг кўзи қувнаши табиий. Юртбошимизнинг ташаббуслари, туман фаоллари-

ҳам бундан бениҳоя хурсанд.

Энг муҳими, Эски шаҳар кундан-кунга чирой очиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш сайъ-ҳаракатлари эвазига том маънода Янги шаҳар қиёфасига кирди. Болалар боғчалари, мактаблар замонавий кўринишда қайта таъмирланди, ҳар бир ширкатга қараш-

ўз эшикларини қайтадан очди, болажонларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилган Болалар бадиий ижодиёти уйи, Ўзбек либослари галереяси, “Чорсу” буюм бозорида чиройли кўзни қамаштирувчи фаввора, Сағбон кўчасида “Сут-гўшт” маҳсулотлари савдо мажмуаси бунёд этилиб,

ушбу муассасалар доимо аҳоли хизматига шай.

Ана шундай файзли ва обод туманда “Оқшом” газеталарининг ижодий ходимлари билан ўтказилган учрашув ҳам ўзига хос тарзда кечди. Гап шундаки, ҳар бир туманда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, галдаги режаларни белгилаш юзасидан фаоллар иштирокида

борди. Эътиборли томони шундаки, “Оқшом” ижодкорлари туманда коммунал соҳада амалга оширилаётган ишлар, ширкатларнинг фаолиятлари, қишга тайёргарлик масалалари билан ҳам бевосита танишиб, ўзлари учун келгусида ёритиладиган мавзу ва йўналишларни белгилаб олдилар.

Учрашувда сўзга чиққан туман хошими Бахтиёр Ҳакимов шахримиз озодаллигини таъминлаш, бунёдкорлик ишлари, коммунал соҳада ислохотларнинг бориши билан таништиришда матбуотнинг ўрни катта эканлигини таъкидлаган ҳолда ушбу мавзудаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилишга, умуман шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ҳаққоний ёритишга, бу борадаги мавжуд барча ютуғу муаммоларни қаламга олишга “Оқшом” ижодкорлари ҳамisha муҳим эътибор қаратишларини алоҳида қайд этиб ўтди. Шунингдек, қизиқарли материалларни кўпайтириш лозимлиги тўғрисидаги таклифини баён этди. — Қарс икки қўлдан чиқади, — деди у. Қурилган чиройли уйлар, кўчалар, боғлар, маданият масканларини авайлаб-асрашимиз, ўз хонадонимизни ўзимиз сақлаган ҳолда иш кўрсак нур устига аъло нур бўлади. Барчамиз кўп қаватли уйлар ҳам ўз шахсий мулкимиз, уни кўз қорачигидек асраш, атрофларини обод қилиш лозимлигини тушуниб етсак кўнгиладиги иш бўларди. Бунини тушунтиришда матбуотнинг, хусусан “Оқшом” газеталарининг ўрни катта.

Ўз навбатида “Оқшом” газеталарининг бош муҳаррири А.Ақромов тахририятда кейинги пайтларда иш унумини ошириш юзасидан амалга оширилаётган юмушлар, жумладан ҳар бир туманда муҳбирлар постини ташкил этиш борасидаги ишлар ва тахририятнинг янги режалари билан ўртоқлашди. Шу кунини йиғилганларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди. Муштарийларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган таклиф ва мулоҳазалар, муаммолар ёзиб олинди.

Учрашувдан сўнг бевосита мулоқот қатнашчиларнинг газета тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан танишиб, уларни қозғога туширдик. Қуйида уларнинг айримлари билан таништириб ўтамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: тадбир иштирокчилари; туманнинг бугунги қиёфаси.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ФИКРЛАР, ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Абдуҳофиз ИСМОИЛОВ,
туман уй-жой мулкдорлари ширкати назорат бўлими бошлиғи:

— Ушбу газетани бир неча йиллардан буён яхши биламан ва севиб ўқийман. Чунки “Тошкент оқшоми” газетасида шахримиз ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётига оид янгиликлар мунтазам бериб борилади. Газетанинг биринчи саҳифасида республикамиз, жаҳон мамлакатларида рўй берган энг сўнгги воқеа - ҳодисалар, янгиликларни қисқа ва лўнда тарзда бериб борилишини ҳам жамоанинг асосий ютуқлари сирасига киритаман.

Газетада ҳар ойда коммунал соҳага бағишланган саҳифада уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига оид бу ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам етарли даражада бериб борилади. Шунингдек, газета саҳифаларидаги иқтисодий, ижтимоий ҳаётга оид хабарлар ҳам киши эътиборидан четда қолмайди.

Шу ўринда таклиф киритмоқчиманки, газетада “Оила даврасида” саҳифасидан ўрин оладиган ибратли мақолалар кўпайтирилса ҳамда келаси йилда янги руқлар очилиб, қизиқарли мақолаларнинг сони ҳам ошса деган ниятдаман.

Калон ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар “Наврўз”
жамгармаси раиси:

— “Оқшом” газеталарида менга миллий кадриятларимиз, удум ва урф-одатларимизга нисбатан илиқ ёндошув, ушбу мавзуларнинг тез-тез ёритилиб туриши айниқса ёқади. Масалан, қадимий Наврўз ва Меҳржон байрамларини олайлик. Газета саҳифаларида доимо ушбу кадриятларимиз тимсолларига оид бирор-бир янгилик билан танишишимиз мумкин. Меҳржон байрамига оид илк мақолалар ҳам шу газета саҳифаларидан ўрин олган десам адашмайман.

Мен газетада муаммоли материалларнинг кўпроқ ёритилишини истардим. Жамоат ташкилотларининг фаолиятларини ёритишга янада эътибор кўпайтирилса, айни муддао бўларди.




Қодир РАҲИМОВ,
Мискин маҳалласи:

— Болалгимдан “Тошкент оқшоми” газетасини ўқиб келаман. Газета саҳифаларида турли мавзулардаги материалларнинг ихчам ва лўнда тарзда чоп этилишини “Оқшом”нинг асосий ютуқларидан бири деб биламан. Айниқса газетани оиламиз даврасида ўқини, энг қизиқарли мавзуларни биргаликда муҳокама қилишни севадим.

Ўзим маиший техникага қизиқаман. Шу сабабдан газета саҳифаларида ушбу мавзуга оид мақолалар берилишини хоҳлардим. Шу мавзуга бағишланган янги руқ очилса, уйлайманки, кўпчилик муштарийларнинг дилидаги иш бўларди.

“Оқшом” газеталари — 2006 йилда

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ МУШТАРИЙЛАРИ ДАВРАСИДА



нинг жонқуярликлари билан бугунги кунга келиб Эски шаҳар қиёфаси бутунлай янгилашиб, ўзгача чирой очди. Туман ҳудудидаги тор ва нотекис кўчалар қайта қурилиб, кенг ва раван йўللарга айлантирилди, пастқам уйлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлади, муҳташам иморатлар бунёд этилмоқда.

Шу билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Албатта, қиёфаси кун сайин чирой очиб бораётган туман аҳолиси

ли уйлар ёнида болалар майдончалари қурилмоқда. Айтиш жоизки, бунда Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб, уни ҳозирги замон шаҳарсозлик талаб ва тамойиллари билан уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эски шаҳар қисмида фақат шу йил амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳамшаҳарларимизнинг энг файзли ҳордиқ масканларидан бири — Абдулла Қодирий номидаги боғ бутунлай янги ва замонавий тарзда қад ростлаган ҳолда

аҳоли фаровонлигини ошириш ва Эски шаҳар қисмида яшовчиларга қулайликлар яратиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Кенг ва замонавий йўللар бунёд этилиши ҳам ҳудуд қиёфасига жуда яраши туради.

Айни пайтда туманда ижтимоий масалаларга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу йилнинг ўзида 5,3 минг аҳолига турли хилдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Туманда 20 та давлат-профилактика муассасалари фаолият юритади ва

йиғилишлар ўтказиб турилади. Ана шу сарҳисоб йиғилишига “Оқшом”чилар билан бевосита мулоқот ҳам қўшилиб, жуда чиройли давра юзага келди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кейинги йилларда туман ҳаётида кўплаб янги хайрли ўзгаришлар юзага келмоқда. Айниқса Эски шаҳар қисмида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан аҳоли бениҳоя миннатдор ва учрашувда бу хусусда ҳам сўз

2001 йил икки йиллик тарихий воқеалар билан эсда қоларли йил бўлди. Бунинг биринчиси шу йил инсоният XXI асрга — янги учинчи минг йилликка қадам қўйди. Иккинчиси эса Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш тантаналари бўлди. «Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўйдиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш, — дея таъкидлаган эди ўшанда Юртбошимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида, — барчамизга Оллох таоло насиб этган улуг инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

Бу сўзлар замирида қанчалар чуқур маъно борлигини лоқал халқимизнинг яқин ўтмиш тарихига назар ташлаган ҳар бир киши тасаввур этishi қийин эмас. Чиндан ҳам ўзбек халқи шу кутлуғ саналар — янги аср ва янги минг йилликка ҳаётида жуда катта ва туб ижобий ўзгаришлар билан етиб келди. Бу энг аввало, асрлар бўйи орзу этиб келинган Мустақиллик, Озодликнинг қўлга киритилганидир.

Кузатилган асрнинг сўнгги ўн йиллигини халқимиз озод, хур яратувчанлик меҳнати билан, жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун интилишда залворли натижалар билан ўтказганлиги, миллий раънақ ва тараққиёт йўлига чиқиб олганлигимиз энг буюк ютуқларимиз эканлиги бугун ҳаммага маълум.

Шундай экан, бугун биз қатъий ишонч билан янги асрга дадил қадамлар билан кириб келдик, дея оламиз. Янги асримизнинг илк йили Оналар ва болалар йили деб аталди ҳам катта маъно бор. Она ва бола — ҳаётимиз давомийлигининг, инсоният бахт-саодатининг асосинга эмас, миллат ва халқ раънақининг ишончли қаблаги ҳамдир. Кетма-кет эълон қилинган Инсон мафазатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили ва ниҳоят Оналар ва болалар йили — буларнинг ҳаммаси жамиятимиз гултожи бўлиши аёлларга, оналарга бўлган ҳеътиб ҳурмат, эҳтиром ва меҳр-муҳаббат белгисидир. Энг муҳими, мамлакатимизда нимаки қилинмасин, ҳаммаси инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилишидир.

2001 йил ҳам Мустақиллигимиздан кейинги ўтган барча йилларимиз сингари унумли бўлди, десак хато қилмаган бўларми. Уша йили байрам арафасида Аксари, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улугбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Учтепа туманларини бир-бири билан боловчи кичик Халқа йўлининг 7,5 километрик масофаси фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» теннис клуби қошида қурилган сув спорти саройи, пойтахтнинг сулим маскани «Тошкентленд боғи» мажмуи яқинида бунёд этилган «Япон боғи» таширф буюрувчиларга ўз эшикларини очди. Академик драма театрининг янги биноси, Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишидаги олти бекати фойдаланишга топширилишида қурувчиларимиз чинакам фидойилик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Табиийки, бу бунёдкорлик ишлари «Оқшом» газеталарининг долзарб мавзусига айланди. Обод ва тобора яшнар бораётган шахримизнинг фахри бўлган бу қурилишлар ҳақидаги мақолаларга газета ўз саҳифаларидан кенгроқ ўрин берди. Хусусан, «Оқшом» тарихимизнинг янги, ёрқин ўн саҳифасини ифодаловчи «Истиқлол ва биз» деган рунк остида сўрвнома эълон қилди. Ундан қуйидаги саволлар ўрин олган эди. Мустақиллик йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари нималарда намоён бўлмоқда, деб ҳисоблайсиз? Истиқлолнинг шахсан ўз тақдирингизга таъсири, атрофдагилар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз? Келажаги буюк давлатни барпо этиш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақидаги фикрларингиз? Энг эъзи, энг улуг айёмимизга сиз меҳнат қилаётган жамоа ва шахсан ўзингиз қандай натижалар, тўхталар билан бориш ниятдасиз?

«Оқшом» саҳифаларида эълон қилинган ушбу саволларга ўз муносабатини билдирган ҳар хил табақа вакиллари, ёшлар ва кексалар, турли миллат вакиллари жавоблари эълон қилиб борилади.

Айниқса, халқимиз ифтихори бўлган Ўзбек давлат академик драма театри учун қурилган янги кошонанинг ишга тушиши

катта тантаналарга айланди. Академик театримиз ўзбек театри санъатида энг яхши аъёнларни ўзида мужассамлантирган, юксак погоналарга кўтарган, халқимизга буюк санъаткорлар етказиб берган муқаддас даргоҳдир. Давлатимиз раҳбари мазкур санъат қошонасининг маънавият ва маданиятимизда тутган юксак ўрни ҳақида гапирар экан, миллий руҳ ва замонавий қийфадаги ушбу театрни бундан буюн Ўзбекистон Миллий театри деб аташ тўғрисида тақдир қиритди.

Биз «Оқшом»чилар учун эса 2001 йил яна бир қувончли ва унутилмас йил бўлди. Шу йили ташкил этилгандан бери пойтахт ахлининг доимий ҳамроҳи, маслаҳатчиси ва ишончли ҳимоячиси бўлиб келган «Оқшом» газеталарининг 35 йиллигини нишонладик.

«Вечерний Ташкент» газетасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, ҳозирда кексалик таътилида бўлган Олимжон Мақсумов шундай эълойдди:

— Бундан 20 йил олдин «Оқшом» газеталари саҳифаланадиган цехда ишлаганман. Уша кезлар масъул котибларнинг

Ҳиллар сағоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

газета саҳифалари андозаларини маҳорат билан чиқишига қўйил қолар эдим. Мана қарангки, эндиликда ўзим ана шу масъулиятли ишни бажармоқдаман.

Котибиятни тахририятнинг юрагига қиёс этишади. Негаки, тахририятнинг кундалик маромини таъминлаш котибият ходимларига боғлиқдир. Уч йилдирки, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятнинг ўзигаги компютер марказида терилиб, саҳифаланмоқда. Маълумки, ҳозирги замон ўқувчисининг диди жуда ўткир. Бундан ташқари, мамлакатимизда чиқаётган газета ва журнал ҳам анағина. Демак, ана шу наشرлар орасидан ўзига маъқул келадиганини, ўзига ёқадиганини танлаб олиш ўқувчининг ўзига боғлиқ. Шундай экан, газетонга манзур бўладиган газетани чиқариш кишидан катта масъулият талаб этади. Ана шу масъулиятни ҳис этиш эса ҳар биримизга боғлиқ.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари чиқа бошлаганига 35 йил бўлди. Ана шу йиллар мобайнида нафақат пойтахтликларнинг, балки мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчиларнинг ҳам меҳрини қозongan «Оқшом» газеталарининг 9,5 мингдан ортиқ сонлари ўз муштарийлари қўлига бориб теги. Ана шу сонларнинг ҳаммаси бир-биринга ўхшамаган, ранг-баранг саҳифалардан иборат. Биз шу йиллар мобайнида тўплаган тахрирларимиздан кейлик чиққан ҳолда ўз иш услубимизни янада такомиллаштириб бордик. Токи, ҳар бир ўқувчи «Оқшом» газеталарини қўлига олганда унда эълон қилинган ҳар бир мақола ва ахборотдан, ҳар бир суратдан завқ олсин, кўзи қувонсин.

Ўшанда газетанинг 35 йиллиги муносабати билан тахририятимиз ўз ўқувчиларидан ҳам жуда кўплаб дил изҳори битилган мактубларни олганди. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз. — Менинг назаримда, айнан «Тошкент оқшоми» газетасида берилган тарихимиз, улуг аждодларимиз, қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ҳақидаги ўқимишли материаллар ёшларимиз учун катта сабоқ, деб ёзганди техника фанлари доктори, профессор Муборак Тешабоева. — «Донишмандлар ҳазинасида», «Хотира уйғонса гўзалдир», «Қадриятларимиз» каби рунклар остида берилган материаллар одамни фикрлашга, ўйлашга, бугунги кун қадрига етиб яшавадиган бўлади.

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғининг директори, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов ўз фикрини шундай баён этади:

— «Оқшом» — менинг энг севган нашим. Унда берилган ранг-баранг мавзудаги материалларни, айниқса «Сўранг, жавоб берамиз», «02», «Бу аяб дунё» каби

рунклар остидаги ва меҳнати қадрланган, зиёли, фан ва маданият соҳасида ҳалол меҳнат қилиб элда обрў топаётган инсонлар ҳақидаги материалларни севиб ўқийман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Рамотованинг мактуби ҳам эътиборлидир.

— Менинг бўш вақтим жуда кам, лекин шахримизда бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларни ўзида қамраб олган «Оқшом» газетаси учун вақт ажратаман. Мустақил юртимизда бўлаётган буюк ўзгаришлар, раван йўллар, осмонлар бинолар ҳақида, халқимиз учун, она юртимизнинг юксалиши учун қилинаётган барча яхши ишлардан хабар толганганда қалбим фахрга тўлади. Меҳнатга, спортга, санъатга ошурта бўлган халқ ҳамиша голиб. «Оқшом»чилар назаридан ҳам санъаткорлар ҳам четда қолмаётганлигимиз севиштилади.

Бундай дилтортар сатрларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Муштарийларимиздан келган хатларнинг асосий мазмунидан «Оқшом» газеталари ўз фаолияти давомида чиндан ҳам пойтахт ўқувчиларининг содиқ ҳамроҳи ва ишончли сўхбатдошига айланганлиги яққол кўриниб турибди.

Хатлар — кўнгул ойнаси. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида газета тахририятлари ўз муҳлисларининг истак ва талабларини инобатга олиб, улар билан ҳамфикр, ҳамкор иш юритиши мақсадга мувофиқ. Шу фикрдан келиб чиқиб газеталарнинг мавзуйий йўналишлари, кўтариладиган масалалар моҳиятига қараб тахририятнинг таркибий тузилишига ўзгаришлар киритилди. Асосий йўналишлар бўйича шарҳловчилар гуруҳлари ташкил этилди. Уларнинг олдинги бўлимлардан фарқи ичмалиги ва ҳозиржавоблики талаб этувчи вазиятларда долзарб масалаларни кўтра олиши ҳамда тез ҳаракат қилишидир.

Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини юксак малака ва маҳорат билан ёрита оладиган, топширилган мавзулар бўйича тахлилий чиқишлар қилишга қодир журналистлардан иборат махсус мухбирлар гуруҳи тузилди. Уларнинг олдирига аниқ мажбуриятлар қўйилиб, тахририятнинг баъзи техник-ташхилий ишларидан озод қилиб, кўпроқ объектларда бўлишлари учун шароит яратиб берилди.

Сарғайган саҳифаларни варақлаган сари турли мавзулар кўзга ташланади. Уларни бирма-бир ўқиган саринг хаёлингда турли саволлар пайдо бўлади. Бу фикрларнинг барчасини баҳонидил газетонлар эътиборига етказгинг, бу мавзулардан ўқувчиларни яна бир бор хабардор қилиш истаги туғилади. Лекин начора, бир йилда бўлиб ўтган воқеаларни батафсил ҳикоя қилишнинг имкони йўқ экан, шундай бўлса-да, биз ўз ҳамкасбларимиз ва жамоатчи мухбирларимизнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ва эътибор сифатида ҳеч бўлмаса, уларнинг баъзиларини санаб ўтишни ихтиёр этдик. Зеро, биз тилга оломқчи бўлган мақолалар ўз даврида йилнинг энг яхши чиқишлари деб эътироф этилганди. Улар сирасига жамоатчи мухбиримиз Маълум Набиевнинг «Мен бахтли ўзбек аёлиман», санъатшунос Баҳриддин Насриддиновнинг «Навоий театри қандай қурилган?», тарихчи профессор Хамид Зиёевнинг «Бойликка учиб», профессор Қумри Абдуллаевнинг «Маънавий гўзаллик», Дилшод Исроиловнинг «Ўзбек футбол келажаги ишонман», адабиётшунос Насиба Бозорованинг «Навоийни ўрганамиз» туркумидаги «Кўнгул - маърифат гулшани», Шукур Дадашнинг «Ҳасаднинг номи ўсин», Жўра Маҳмуднинг «Умрзоқ оқсоқолнинг кўприги», Убайдулла Абдуллаевнинг «Очилган сир», Зулфия Муминованинг «Ҳар кунимиз байрам, азизим», ҳамда касбдошларимиз Шарифа Илёсова, Дилором Икромова, Шоира Мухамедова, Акбар Йўлдошев, Очил Ҳазратов, Мухаббат Ҳабибуллаевларнинг туркум мақолаларини киритиш мумкин. Уша йили газетата чоп этилган материаллар орасида айниқса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Нури йиллар» эсдалик мақоласи алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, шу йиллари «Авесто»нинг уч минг йиллиги муносабати билан Мусоқул Усмоновнинг шу туркумда ёзилган бир қатор мақолалари ҳам газетонлар эътиборини қозонганлигини айтиб ўтмоқ жоиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳат-фароғатда яшай билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари еталайди. Ўзгалар ҳам қаноатли кишини хурмат қилади.

● Унутмагинки, душман насихатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демоқчи эканини билиб қўймоқ фойдалан ҳоли эмас. Унинг айтганига қарши иш тутсанг тўғри юрган бўласан.

Бир доно айтдики, агар бирор кимсанинг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳати тўғри ёки нотўғрилигига қара, шундан ўзинга тегишли хулоса чиқариб оласан.

● Ҳар ким бирор ишнинг талабиди қадам қўйса, бу ишнинг қийинчиликлари чидаши керак. Мақсад каъбаси сари йўлга чиққан одам захмат саҳросидан қўчмаслиги, ундаги барча воқеаларни енгиб ўтишига интилуғи даркор.

● Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат қанчалик оз бўлса-да, унинг келтириладиган зарари ва офати денгиз уммони кабадир. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини,хулқи, бойлиги ҳақида бемаза фикру фасод гапларни гапиришининг барчаси ғийбат ҳисобланади. Ва бу ғийбатчининг ўзини ҳам балолар домига итаради.

● Бесабрлик одат бўлса инсонга, Отган ўқи тегамас асло нишонга!

● Ҳақимлар айтишлари: — Бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан ҳоли бўлмайди.

Бир араб олим: — Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан қатти суячлик йўқ! — деган эди.

● Саҳий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбиди муҳаббату саводкага йил очган бўлади. Саҳий киши мисдан ясалган кўзга ўхшайди: тўз таёрланади-ю аммо узоқ вақт ўз эгасига хизмат қилади. Очкўз киши сароч идишга ўхшайди: уни ясаш қийину, лекин узоққа етмай тез синидади.

● Илми киши ҳазина бўлса, унинг қалити саволдир. Савол билан илм ҳазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳақимдан:

— Шунча илми қандай ҳосил қилдинг? — деб сўради-лар.

У мулоҳаза билан жавоб берди:

— Илм ўқитишга пайтларимда ёндирган чирок мойини ҳисобласан еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан билиб олиш мумкинки, вақтни еб-ичиш ва ўйнаш қайфу сағога сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарурроқ экан.

● Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шодил, бу улуг кишиларнинг энг олий фазилатларидан бири бўлиб, камтарлик нишонларидан биридир.

● Ҳар ким билан у қандай одам бўлишидан қатъи назар, очик юзлилик билан сўзлаш!

Ушбу йўналишда хизмат кўрсатаётган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Аҳолини тайёрлаш маркази"да жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишларни рақамлар орқали кўрсатиб ўтмоқчимиз. Зеро, бу рақамларда инсон фаолияти ифодаланади. Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг 117 нафар "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" фани ўқитувчилари, маҳалла оқсоқолларининг 452 нафари, маҳалла маслаҳатчиларидан 452 нафари, умумий ўрта мактаб директорларидан 192 нафари, умумий ўрта мактаб директорлари ўринбосарларидан 178 нафари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарларидан 133 нафари, Фуқаро муҳофазаси хизматлари мутахассисларининг 24 нафари, иқтисодий объектларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассисларнинг 92 нафари ва мактабларнинг 1-4 синф ўқитувчиларининг 1400 нафари, 5-9 синф ўқитувчиларининг 1400 нафари, халқ хўжалиги корхоналарининг ўқув гуруҳи раҳбарларининг ҳам 1400 нафари — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, агар улар содир бўлса, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича машғулотлар орқали жами 6703 нафар тингловчилар 7 соатлик дастур асосида тайёргарликдан ўтказилди.

Ўқув машғулоти асосан назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машғулотлар катта баҳо-мунозара тарзида ўтказилмоқда.

2005 ўқув йили давомида режага асосан, ўқув машғулотлардан ташқари, Тошкент шаҳри ҳудудидаги таълим муассасалари, корхоналар ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан маҳалларда машғулотлар ва суҳбатлар ўтказилиб беришмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Аҳолини тайёрлаш маркази" ходимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида шу йилнинг 9 ойи мобайнида Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликлари раҳбар ходимларидан 51 нафар, шаҳар ҳудудидаги корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, тузилма сардорлари ва мутахассисларидан иборат 910 нафар тингловчилар тайёргарликдан ўтказилди ҳамда ўқув машғулотларида ўз вақтида қатнашишлар

ри ташкиллаштирилди.

Жорий йилнинг 12 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўшма Хайъат мажлиси талабларининг ижроси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан амалда қўлланилмоқда. Шу мақсадда шаҳар ҳудудида жойлашган 29 та олий ўқув юртига, 84 та коллеж, 30

тартиби бўйича масъул ходимлар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада Тошкент шаҳар корхоналари тасарруфидаги 29 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларидан бундай вазиятларга йўл қўйилмади.

Йил бошидан ушбу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида 961 нафар ва бошқарманин "Аҳолини тайёрлаш маркази"да 6703 нафар тингловчилар тайёргарликдан ўтказилди. Бундан ташқари корхоналарда 63840 нафар, таълим муассасаларида "Фуқаро муҳофазаси", "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" ва "Хаёт хавфсизлиги асослари" фанлари орқали ўқувчи ва талабалар ўқиш даврида тайёргарликдан ўтказилмоқда.

Жами бўлиб, бошқарма томонидан 118284 нафар аҳоли тайёргарликдан ўтказилди.

Ўқитиш фақатгина назарий бўлмасдан, уларнинг билими амалиётда 210 мартаба махсус тактик машғулотларга жалб этиш билан мустаҳкамлашиб борилади.

Бу ишларни амалга оширишда бошқарма офицерлари Раҳматдин Нуралиев, Отабек Шоюсупов, Мурод Жўрабоек ва масъул ходимлар Ҳамза Шодиев, Завен Яроян, Умнат Суванов каби ўз касбининг жонкуярлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, улар масъуллигида Ҳамза тумани, "Беҳбола" маҳалласида 134 нафар тингловчилар иштирокида, Собир Раҳимов тумани, Мискин маҳалласида 156 нафар тингловчилар иштирокида, Юнусов тумани, Фирдавсий маҳалласида 163 нафар тингловчилар иштирокида, Яккасарой туманида 73-ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан 272 нафар тингловчилар иштирокида ҳамда маҳаллаларда аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Бажарилаётган ишлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида кўп гапирилиши мумкин. Зотан, халқ тинчлиги, хавфсизлиги, фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар ҳамisha хайрлидир ва эзгу мақсадларга хизмат қилгани боис, ўз баҳосини йўқотмайди.

Толиб ОМОНОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлими бошлиғи, майор.
Хуснияхон ТОЖИБОЕВА,
шу бошқарма матбуот гуруҳи ходими

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятининг

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, ҳаёт бизнинг кундалик фаолиятимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ва бўлмаган табиий ва технокен турдаги турли-туман фавқулодда ҳодисаларга бой. Бу ёнгин, zilзила, сув тошқини, қор кўчкиси, довул, захарланиш, транспорт тўқнашуви ва бошқа ҳодисалар сабабли тўсатдан содир бўладиган фалокат, ҳалокатлардир. Бундай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда жабрланган, шикастланган фуқароларни ҳамда зарарланган халқ хўжалиги иншоотларини ишончи муҳофазаси қилиш муҳим вазифалардан биридир.

та лицей ва 400 та умумий ўрта ва махсус мактаб директорларига ушбу буйруқда кўрсатилган талабларни бажариш бўйича тақдирномалар берилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан ёз фаслида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳар корхоналари тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини таъминлашда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича ҳар сменада барча оромгоҳларда раҳбарият таркиби, ишчи ва хизматчилари билан zilзила, сув тошқини, ёнгин ҳамда террористик хуружлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мавзусида ўқув дарслари ўтказилди. Барча оромгоҳларда дам олувчилар билан эса фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича ҳар сменада махсус тактик машғулотлар ўтказилди.

Барча фуқаро муҳофазаси бурчаклари фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тартиби плакатлари билан тўлиқ жиҳозланди ва мавсум давомида болаларга фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш

ля, Умнат Суванов каби ўз касбининг жонкуярлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, улар масъуллигида Ҳамза тумани, "Беҳбола" маҳалласида 134 нафар тингловчилар иштирокида, Собир Раҳимов тумани, Мискин маҳалласида 156 нафар тингловчилар иштирокида, Юнусов тумани, Фирдавсий маҳалласида 163 нафар тингловчилар иштирокида, Яккасарой туманида 73-ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан 272 нафар тингловчилар иштирокида ҳамда маҳаллаларда аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Бажарилаётган ишлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида кўп гапирилиши мумкин. Зотан, халқ тинчлиги, хавфсизлиги, фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар ҳамisha хайрлидир ва эзгу мақсадларга хизмат қилгани боис, ўз баҳосини йўқотмайди.

Табиаат ажойиботлари

ҚОН БОСИМИГА ҚАНДАЙ ДАВО БЎЛАДИ?

Зулукнинг томоғида учта арра тишли пластинкалар жойлашган бўлиб, ана шу тишлари билан одам терисини кесиб қонини сўриб олади. Унча катта бўлмаган, яъни 12 сантиметр узунликдаги жонивор бирийўла 50 граммгача қон сўриши мумкин.

Унинг ичагидаги махсус бактериялар сўрилган қонни сирли равишда шундай қайта ишлайдикки, у узоқ вақтгача бузилмасдан сақланади. Шунинг учун ҳам зулукларга ҳар олти ойда бир марта овқат берилади. Улар 2 йилгача озикланмасдан юриши мумкин. Зулукнинг 400га яқин тури мавжуд. Қон сўрувчиларидан ташқари йиртқичлари ҳам бор, улар чувалчанг ва ҳашаротларга ҳужум қилиб, уларни ейди. Кўпчилик турлари чучук ва қўлмақ сувларда — канал ва қўлларда яшайди. Азов ва Каспий денгизи каби унча шўр бўлмаган сувларда махсус турлари яшайди.

Маълумки, халқ таъоботида қон босимиға қарши зулук солиш қадимдан одат бўлган. Бунда бемор ҳақиқатан ҳам ўзини бирмунча энгил сезади, чунки ҳаром қонни зулук сўриб олди деб ўйлаганлар. Аслини олганда, сўриш жараёнида зулукнинг сўлак безларидан герудин деган оқсил мод-

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

Шарҳловчи

тинбари

АЛ-БАРАДЕЙ — НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБИ

Швецияда давом этаётган Нобель ҳафталигида тинчлик йўналиши бўйича мукофот соҳибини номини эълон қилинди. Дунёнинг энг нуфузли мукофотларидан бири ҳар йили физика, кимё, тиббиёт, иқтисодиёт, адабиёт соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган ҳамда тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган шахсларга берилади.

Жорий йил тинчлик ва барқарорлик йўлида жонбозлик кўрсатган номзодлар рўйхати 199 нафарга етди. Улар орасида Германия канцлери Герхард Шрёдер, Африка китмасидаги қашшоқликка барҳам бериш ишларида молиявий жиҳатдан ўз қўмагини аямган машҳур ирландиялик рок-қўшиқчилар Боно ва Боб Гелдоф, кўндан бўён сир бўлиб келган Исроилнинг ядровий материалларини фоти этган физик олим Мордехай Вануну, 2004 йил декабрь ойида Жануби Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган қучли табиий офат оқибатларини бартараф этишда, Индонезияда мамлакат ҳукумати билан «Озод Ачех» ҳаракати ўртасида узоқ давом этган низозларга чек қўйилишида зарурий чора-тадбирларни амалга оширган қатор халқаро ташкилотлар бор эди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу йўналиш бўйича номзодлар сонини хали бунчалик кўп бўлмаган. Шу боис ҳам улар орасидан энг муносибини аниқлаш бироз қийин кечди. Нобель академияси узоқ муҳоамалардан сўнг мукофотни Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда унинг раҳбари Мухаммад ал-Барадейга беришга қарор қилди.

Бугунги кунда ядровий таҳдиднинг ўсиб бораётгани МАГАТЭдан катта масъулия талаб этмоқда. Сўнгги йилларда агентликнинг ядровий муаммога чек қўйиш йўлида амалга ошираётган сайё-ҳаракатлар эса салмоқли. Хусусан, ядро қуролни тарқатмасликка, оммовий қиргин қуролга эга мамлакатларни ундан ҳарбий мақсадда фойдаланмасликка, умуман, сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қўшаётган ҳиссасида Нобель академияси томонидан муносиб баҳоланди.

Анъанага қўра, энди Ал-Барадейга 10 декабрь куни Норвегия пойтахти Осло шаҳрида ўтказиладиган тантанали маросимда мукофот топширилади.

Акмал НАЗАРОВ,
Ўза шарҳловчиси

Маҳалла ва ёшлар! Ана шу ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳузуринда "Маҳалла умидлари" маркази ташкил этилди.

Диккат, аниқлик!

КЕНГАШНИНГ ЯНГИ МАРКАЗЛАРИ

Маҳаллалардаги ёшлар орасида ҳаракатни чуқурроқ тарғиб этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бу марказ жойларда кутубхоналарни очишга ҳам киришди.

Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуриндаги "Ёшлар ўқув маркази"нинг очилиши ҳам нур устига аяло нур бўлди.

Янгидан ташкил топган "Посбон" маркази эса маҳалла сардор ва посбонлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ

Республикамизда ўқувчиларнинг техник ижодкорлигига катта аҳамият берилмоқда. Республика ўқувчилар техника ижодкорлиги маркази томонидан қўрилган таълимий тадбирлар ҳам яхши самара бермоқда.

Тўғарак, студия машғулоти олиб борилаётган хоналар янги стендлар, курсатмали техник воситалар билан намунали жиҳозланди, янги ўқув адабиётлари чоп этилди.

"Техникавий таълимни омалаштириш" деб номланган ўқув қўлланмаси эса янги ўқув йилига яхши совға бўлди.

Ушбу янги нашрда техникавий тўғараклар дастурлари, ўқув режалари тўлалогича ёритилиб, изоҳлар берилди.

Бундан ташқари маданият, эстетик, тасвирий санъат, спорт ва техникавий йўналишлардаги тўғарак ишларини ривожлантириш бўйича таълимлар ҳам ўз ифодасини топди.

Ақбар АЛИЕВ

Шахмат

**РУСТАМНИНГ
ҒАЛАБАСИ**

Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг иккинчи давра беллашувлари қизғин давом этмоқда. Ҳаттич олиш кунлари «Потреро-де-лос-Фунес» меҳмонхонасида ўтказилаётган мусобақанинг тўққизинчи ва ўнинчи тур учрашувлари бўлди.

Амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов чемпионатнинг иккинчи аридада ўйинини анча кучайтиришга муваффақ бўлди. Ўзбекистонлик гроссмейстер тўққизинчи турда мусобақадда етакчилик қилаётган шахматчилардан россиялик Пётр Свидлер билан куч сыношди. Жаҳон чемпионатини кузатаётган мутахассислар Пётр Свидлернинг биринчи дарадаги кучи ўйини ва тўққизинчи турда Р.Қосимжоновга қарши оқ донларда ҳаракат қилишини инобатга олиб, россиялик шахматчи ғалабасини башорат қилганди.

Кутилганидек, мазкур учрашув ҳоким ва мурасасиз курашларга бой бўлди. Ҳаттич давомида ҳар икки гроссмейстер бир неча маротаба қўйини вазиятлардан чиқиб кетиш учун бор маҳоратини ишга солди. Ана шундай вазиятларнинг бирида муракаб позицияда қолган Р.Қосимжонов ҳеч қим қулмаган йўлни топти. Охириқабат Пётр Свидлер бу партияда Рустам билан кучлар тенг келганини тан олишга мажбур бўлди. Беллашувдан сўнг Пётр Свидлер Р.Қосимжоновнинг муракаб вазиятда толган йўли уни лол қолдирганини алоҳида эътироф этди.

Тўққизинчи турнинг яна бир эътиборли учрашувида хиндистонлик Вишванатан Ананд мусобақанинг яқна лешқадами Веселин Топаловга /Болгария/ қарши оқ донларда ҳаракат қилди. Бир-бирининг имкониятларини яқши билган гроссмейстерлар учрашуви 17-юрида дуранг натижа билан якуланиди.

Турдаги ягона ғалабага Россиялик Александр Морозевин эришди. Петер Лekoга /Венгрия/ қарши оқ донларда ўйнаган россиялик шахматчи кетма-кет учинчи ғалабасини нишонлади.

Чемпионатнинг 10-турида ҳам тўртта учрашувдан утасида дуранг натижа қайд этилди. Ягона ғалаба — ҳамюртимиз Рустам ҳисобига ёзилди. Бу гал Р.Қосимжонов чемпионатдаги ягона аёл шахматчи — венгриялик Юдит Полгар билан куч синошди. Биринчи даврада Рустам кутилмаганда Юдит Полгарга имкониятни бой бериб қўйганди.

Венгриялик гроссмейстер Р.Қосимжоновнинг оқ донларда бошлаган ҳужумига қарши Сицилия ҳамжосини қўллашга ҳаракат қилди. Р.Қосимжонов 33-юрида аjoyиб комбинация ишлагди. Натижада 47-юрида келиб, Юдит Полгар ўзбекистонлик гроссмейстернинг устунлигини тан олишга мажбур бўлди.

Мусобақанинг энг ёш иштирокчилари — Рустам Қосимжонов ҳамда Петер Лeko 4,5 тадан очко билан бешинчи ва олтинчи ўринларни эгаллаб турибди. 3,5 очко билан еттинчи поғонада қайд этилган Майкл Адамс сўнгги ўринда турган Юдит Полгарни бир очкога ортда қолдирмоқда.

11-турда икки жаҳон чемпиони — Қосимжонов ва Ананд яна ўзaro куч синошди. Биринчи даврадаги баҳсда Р.Қосимжонов хиндистонлик гроссмейстер устидан аjoyиб ғалабага эришган эди. Бу гал ҳамюртимиз қара донларда ўйнади.

**Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси**

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, келажагини ворисларнинг руҳий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқариш ана шу эътибор ва сайъ-ҳаракатларнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Спорт

**МАҚСАД — БОЛАЛАРНИНГ
ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТИ**

Айтиш мумкинки, Сергели туманидаги «Олимпия умидлари» болалар спорти мажмуаси фаолиятида ана шу улугвор мақсадларни সিқидилдан бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мажмуа ўтган йилнинг 10 декабрида очилган бўлиб, унда 18x36 ўлчамли замонавий спорт зали, 110x55 ўлчамли 700 ўринга мўлжалланган футбол стадиони, очик теннис корти, волейбол ва баскетбол майдончалари, югуриш йўлаклари мавжуд. Болаларнинг спорт билан қониқарли шуғулланиши учун зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланишида Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман ҳокимлигининг хизматлари катта.

Ҳозирги кунда туман ҳудудида истиқомат қилувчи спортсевар болаларнинг истак ва хоҳишдан келиб чиқиб мажмуа-

да футбол, волейбол, каратэ, таэквондо, ушу-кунфу сингари спорт турларини қамраб олган секциялар фаолият юритаётган бўлиб, уларда 1200 дан ортик болалар мунтазам шуғулланмоқда.

— Спортга ихлоси банд ешларимиз учун спорт мажмуамизда ҳафтанинг ҳар яқшанба куни 9.00 дан 13.00 гача «Очик эшиклар» шiori остида ихтиёрий спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда, — дейди «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуаси директори Акмал Муродов. — Бундай тадбирларда туманимиздаги барча тармоқ мутасаддилари қўлларидан келган ёрдамларини аяшмаяпти. Айниқса, «Қамолот» ешлар ихтимой ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган «Ешлар жиноятчилиқка қарши» мавзуда спортнинг бир қанча турлари бўйича уюштирилган мусобақа-

ларда 200 дан ортик спортчи ешлар иштирок этганлигини ҳисобга олсак бизнинг бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлигимиз кўзга ташланади, албатта.

Бадиий гимнастика спортинг энг нафис тури ҳисобланади. Шу маънода ҳорий йилнинг 14-15 май кунлари мазкур спорт мажмуасида 2 кун давомида шахар миқёсида спорт мусобақаси ўтказилди. Турнирда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 10-12 ёшдаги 150 дан ортик гимнастикачи қизлар ўзаро беллашишди. Мусобақалар якунида қатнашчиларга Тошкент шахар болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маълумки, боланинг спортга бўлган қизиқувчанлиги оилада шаклланади. Оила эса маҳалланинг ажралмас бўлагидир. Ана шу ҳақиқатни теран англаган соҳа ҳондорлари ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутасаддилари ҳамкорликда шахар миқёсида оилавий спорт мусобақасини ўтказишди. Бу мусобақадда Сергели туманида истиқомат қилувчи Раҳимовлар оиласининг фахрли биринчи ўринга лойиқ деб топилши туман миқёсида олиб борилаётган ишларнинг яқши натижасидир.

Ҳумоюн АЛИЕВ



Футзал

**ШАҲРИМИЗ
ЖАМОАСИ
ОЛДИДА**

Чирчиқ шаҳрида футзал бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда. Ҳозирда биринчи давра баҳслари якунланган бўлиб, 12 очко жамғарган шахаримизнинг «Ардуз» командаси турнир жадвалида қарвонбослик қилмоқда.

Шуниси қизиқки, қўрға натижаларига кўра биринчи давранинг дастлабки туридаёқ энг кучли икки жамоа — «Ардуз» ҳамда Зарафшоннинг «Строитель» командаларининг ўзаро баҳс юритишига тўри келди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала жамоа таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилган бўлиб, бу ишқибозларнинг ўйинга бўлган қизиқишларини янада оширди. Бироқ мазкур учрашув кутилмаган натижа билан тугади. «Ардуз» 7:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришди ва яна бир қарра чемпионатни жиддий ниятлар билан бошлаётганини исботлади. Давранинг сўнгги ўйинида «Жиззах-Солиқчи» жамоасини 1:0 ҳисобида ентган «Ардуз» биринчи ўринда янада мустақ-

камланиб олди. Ушбу мағлубиятга қарамай «Жиззах-Солиқчи» 9 очко жамғаргани ҳолда турнир жадвалида иккинчи ўринда бормоқда.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси ДНЛ биринчи давра якунларига кўра 6 очко тўплаб, Наманганнинг «Молиячи» ва Зарафшоннинг «Строитель» командалари билан бирга 3-5-ўринларни эгаллаб турибди.

Чемпионатда яна бешта жамоа иштирок этмоқда.

(Ўз Мубиримиз)

СУРАТЛАРДА: футзал бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи давра учрашувларидан лавҳалар.

Михаил Якубов олган суратлар.

Мунажжим башорати

**ХУШҲАБАРЛАР, ҚУВОНЧЛИ
ВОҚЕАЛАР КУНИ
12 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА**

Қадрдон мунажжимимиз Лина Саванская бугун бизга хушхабарлар, аjoyиб истиқболлар ва қувончли воқеа-ҳодисаларни вазда қилади.

Шу билан бирга, кеча кечқурундан бошланган «иблосона кун» бугун соат 17 гача давом этишини ҳам ҳисобга олиш керак. Шу вақтга қадар ҳеч қандай янги ишга қўл уриш мумкин эмас, янги танишувларнинг ҳам ҳосияти бўлмайд. Мухим тадбирларни ҳам кейинроққа суришга тўғри келади. Кўпроқ вақтингни оилангиз, фарзандларингизга ажратинг. Уй-рўзгор ишлари билан, хоналар жиҳозини янгилаш билан машғул бўлинг. Кечқурун даволаш муолажалари, дори-дармонлар тайёрлаш, ҳаммом қилиш, танани тозаловчи муолажаларни амалга ошириш фойдали бўлади.

Шу кун ибулоқ ва қудуқлар, ариқларни тозалаш ҳам хайрли ишлар қаторига кириди. Ҳар қандай сувга тупуриш мумкин эмас, турли ифлосликларни сувга ташлаб ҳам бўлмайд. Ўзингиз пушаймон бўласиз. Бугун йўқолган нарсаларни қайтаришингиз, тақдирнинг чалқайиб кетган муаммоларини ҳал этишингиз мумкин.

Ўстингизга сув тўкилиб, шалаббо бўлишингиз ёки ёмғирда қолиб ивиб кетишингиз бугун яқшилик аломати ҳисобланади — ҳамма нохушлиқлардан халос бўласиз. Идиш-товоқнинг синиши эса, хасталиқлар ва ишингиз орқага кетишидан оғоҳлантиришдир. У ер, бу ерингизни кесиб олиб, жароҳатланишингиз ҳам ёқимсиз ҳолатларга ишора.

Бу кеча кўриладиган тушларга унчалик ҳам эътибор қилиб ўтирманг. Лекин лойқа сувни кўриш нохушлик аломати ҳисобланади.

Булоқ ёки қудуқ сувини ичиш жуда фойдали. Бугун сув кучли шифобахш қудратга эга бўлади.

Кийимлардан қумушранг ва хаворанглилари омадингиз келишига ёрдам беради. Ёрқин ранглар ва қора рангли либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

ЧОРШАНБАДА:

— рўзгор ва ҳужалик муаммоларини ҳал этинг;

— кайфиятингиз пастлиги, нохушлиқлар ва йўқотишларга аҳамият берманг — йўқотганларингизни қайтариш имкониятингиз катта;

— ҳамкасбларингиз ва қариндош-уруғларингизга маслаҳат сўраб мурожаат қилинг;

— ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича иқтисодчилар ва руҳунослар билан маслаҳатлашинг;

— ҳар қандай вазиятда хотиржамлигингизни асранг;

— бирон-бир ишга қўл уришдан олдин унинг оқибатларини пухта ўйлаб олинг.

Юрак-қон томир хасталиқларига мойиллигингиз бўлса, унинг олдини оламан деб ўзингизча уринманг — мутахассис шифокорларга мурожаат қилинг.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

КАТАЛОГ:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нускада босилади. Қўроқ бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият станица берил масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот секциясидаги компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.